

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ  
ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

---

Ш.ТЎРАЕВ, Н.ХУСАНОВА

# ИЖТИМОЙ САФАРБАРЛИК

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2022

УЎК: 316.323(575.1)

КБК: 60.54(5Ў)

T 97

T 97 **Тўраев, Ш., Хусанова, Н.**

Ижтимоий сафарбарлик [Матн] / Ш.Тўраев,  
Н.Хусанова. – Тошкент: «Маънавият», 2022. –  
24 б.

ISBN 978-9943-04-453-1

**М а с ъ у л м у х а р р и р:**

*Олимжон Давлатов – Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институтини директори*

**Т а қ р и з ч и л а р:**

*сиёсий фанлар доктори, профессор Ибодулла Эргашев;  
фалсафа доктори Илҳом Сувонов*

Мазкур рисолада Ижтимоий сафарбарлик ғояси жамият таракқи-  
ётида нечоғлик аҳамиятга эга экани, фуқароларимизнинг дахлдор-  
ликни ҳис этиши, лоқайдлик ва беғамлик каби иллатлардан йирик  
бўлиши, жамият аъзоларини биргаликда ҳаракат қилишига ёрдам бе-  
риши билан боглик вазифалар атрофлича ёритиб берилган.

Рисола ўқувчилар, талабалар, катта илмий-ходим изланувчилар,  
мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, маънавият ва маърифат  
тарғиботчилари ва заҳматкаш халқимиз учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-04-453-1

© «Маънавият», 2022



## МУҚАДДИМА

*«Агар жамият ҳаётининг танаси  
иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи  
маънавиятдир»*

**Шавкат Мирзиёев**

Бугунги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар «инсон» ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартириш учун амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар замирида битта тамойил «Инсон қадри учун» ғояси илгари сурилмоқда. Ушбу тамойилнинг ҳаётий ҳақиқатга айланаётгани бугун янги Ўзбекистонда яшаётган халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи, ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун қилинаётган ҳаракатда ҳам ўз ифодасини топаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда Ўзбекистонда истикомат қилувчи барча фуқароларига ислохотлар моҳиятини етказиб бериш лозим.

Олиб борилаётган ислохотларни Ўзбекистоннинг марказидан тортиб унинг чекка ҳудудларига ҳам етиб бориши ва натижа бериши сизу биз бирдик дахлдор эканлигимизни англатади. Айнан **Ижтимоий сафарбарлик** ғояси жамият тараққиётида барчага бирдек аҳамиятли эканлиги ҳамда дахлдорликни ҳис этиши, кишиларнинг лоқайдлик ва беғамлик каби иллатлардан йироқ бўлишга, жамият аъзоларини биргаликда ҳаракат қилиши ҳамда миллатнинг бирдамлигини таъминлашда ёрдам беради.

Зеро, миллат бирлашса юрт бирлашади. Ҳозирги кунда давлатнинг бош мафқурасига айланган Янги Ўзбекистон тараққиётини биз ёшлар билан бирга курашимиз!

**Ижтимоий сафарбарлик ғояси** – миллатнинг бирлиги, юртнинг тинчлиги ҳамда ватан тараққиёти каби ғояларни жамиятга етказиш орқали ёшларни ватанга бўлган меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ва бажарадиган ишида адолат ва ҳақиқатга асосланиши, жамиятнинг ҳар бир бўғинини энг кичик нуктасигача бирга ҳаракатланиши ватан тараққиёти учун онгли равишда хизмат қилишга чорлайди.

Бугунги кунда мамлакат раҳбари ташаббуси билан «Учинчи ренессанс» ғояси илгари сурилаётгани унда халқаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида янада чуқурроқ интеграция бўлишни талаб этади. Аммо ўз-лигимизни, тилимизни, миллий хусусиятларимизни, маънавиятимизни сақлаб қолишимиз шарт. Бу эса таълим-тарбия тизимида жиддий эътибор қаратиш лозим эканлигини билдиради.

Бу жараёнда ушбу ғоянинг вазифалари аниқ белгилаб олиниши лозим. Масалан, 2030 йилгача, ёхуд 2040–2050 йилларда таълим, маданият, маънавият, илм-фан соҳаларида қандай кўрсаткичларни, марраларни забт этишда йўналишлар тўғри белгиланганлиги, мақсадларни тўғри сафарбар этилиши ҳамда унинг камров даражаси кўзланган натижаларнинг аниқлиги муҳим рол ўйнайди.

Сафарбарликни амалга ошириш жараёнида шуни назардан қочирмаслик керакки, ушбу ғояни жамиятга татбиқ этишда меъёрдан ошиб кетмаслик муҳим аҳамиятга эга. Чунки жамият аъзолари орасида татбиқ

этилаётган ғоянинг шунчаки куруқ тушунча уйғонишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

Кўзланган натижани аниқ рақамларда кўрсатиш мумкин эмас. Ҳар қандай буюк режалар, буюк ғоялар инсон эҳтиёжлари, турмуши яхшиланиши, эркинлиги ортиши ва маънавий камолоти билан бевосита боғлансагина, ҳаётийлик ва реаллик касб этади. Акс ҳолда у ҳавойи орзу-ҳаваслигича қолиб кетади.

Ўзбекистон тараққиётининг илгари одимлаши ва миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғояси мафкура даражасига кўтарилишида жамият аъзоларининг ижтимоий сафарбарлик ва ҳамкорлик асосида ватан равнақи сари ҳаракатларни миллат бирдамлиги орқали амалга оширилади. Жамият тараққиётида ҳам ушбу ўзгаришлар яққол кўрина бошлайди.



## ИЖТИМОЙ САФАРБАРЛИК ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Ҳар бир сўзнинг мазмун-моҳияти бўлгани каби «Ижтимоий сафарбарлик» тушунчаси ҳам ўз мазмун-моҳиятига эга.

**Ижтимоий сафарбарлик ғояси** – жамият тараққиётида барчага бирдек аҳамиятли эканлиги ҳамда дахлдорликни ҳис этиши, кишиларнинг лоқайдлик ва беғамлик каби иллатлардан йироқ бўлишга ёрдам бериб, жамият аъзоларини биргаликда ҳаракат қилишига ундайди.

Ижтимоий сафарбарликда жамият аъзоларининг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ижтимоий мавқеи ҳамда қайси қатламга мансуб эканлиги улар ўртасидаги қарашларнинг хилма-хиллиги муҳим эмас, унда фақат ягона мақсад сари ҳаракат қилиш ва халқнинг эзгу умиди, ватан тараққиёти ҳамда миллий манфаатлар каби сифатлари устун туради.

Дунё пайдо бўлибдики турли хил табиий офат ва қийинчиликлардан омон қолиш, яъни «яшаш учун кураш» мақсади ҳамда ўзининг уруғ қабиласини сақлаб қолиш учун кишилар ягона мақсад йўлида ижтимоий муносабатларга киришиши, биргаликда ҳаракатланиши ижтимоий сафарбарлик тушунчалари мавжуд бўлганидан далолат беради.

Ушбу атама пайдо бўлиш тарихига келсак ижтимоий арабчадан «жамоа» деган маънони англатса, са-

фарбарлик «сафарга йўлловчи, бирор тadbирга шай, тайёр» маъносини билдиради. XVIII аср охирларида Францияда ишлатилган «Mobilisatsion, mobiliser» – сўздан келиб чиққан бўлиб «ҳаракатга келтирмоқ» деган маънони англатади.

Кўп йиллар давомида ижтимоий сафарбарлик ғояси жаҳолат ва маърифатнинг энг ўткир қуроли сифатида турли мақсадларда турли хил мамлакатларда фойдаланилган ва фойдаланиб келинмоқда. Кимлардир унинг фойдали жиҳатларидан омма манфаатлари учун фойдаланган бўлса, баъзилар ундан қирғин қуроли сифатида фойдаланган. Шунинг учун ҳам уни инсониятнинг тамаддуни ва таназзули сифатида айтиш мумкин. Фақат ишлатиш механизмлари ва кўзланган мақсад жамиятни ривожига ёки таназзулини белгилаб беради.

**Ижтимоий сафарбарлик ғояси мақсади** – жамият аъзолари ҳаётини яхшилаш, уларни биргаликда ягона мақсад сари бирлашиши ва уни жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатувчи кишилар билан бирга биз учун ягона мафқура – Ўзбекистон тараққиёти ғоясини амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**Ижтимоий сафарбарлик ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:**

- ◆ Миллат бирдамлигини таъминлаш;
- ◆ Жамият аъзоларини ватан тараққиёти йўлида биргаликда ҳаракатини таъминлаш;
- ◆ Ижтимоий мавқеи ва эътиқодларнинг турлиликдан қатъи назар ижтимоий ҳамкорлигини таъминлаш;
- ◆ Кишиларни ягона мақсад йўлида сафарбар этиш;
- ◆ Ҳозирги кунда глобал муаммога айланиб бораётган кишилар ўртасидаги муносабатларни реал-

ликдан виртуаллашув жараёнига ўтиш босқичида ҳам уларни ягона «Виртуал макон» орқали миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлигини ташкил қилиш ҳамда сафарбар этиш каби вазифаларни ўз олдига қўяди.

**Ижтимоий сафарбарлик жамият аъзоларининг хошиш-истаклари, миллий манфаатлари ҳамда мавжуд муаммолардан келиб чиқиб қуйидаги усулда амалга оширилади:**

- Аниқлаш;
- Ҳал этиш (кашф эт, жамла);
- Ишонтириш;
- Сафарбар этиш тартибида амалга оширилади;
- Кўзланган натижа.

**Ижтимоий сафарбарлик ҳамкорликда фаолият юритувчи соҳалар:**

- ◆ Давлат бошқаруви соҳаси;
- ◆ Иқтисодиёт соҳаси;
- ◆ Таълим соҳаси;
- ◆ Соғлиқни сақлаш соҳаси;
- ◆ Суд ҳуқуқ соҳаси;
- ◆ Ҳарбий соҳаси;
- ◆ Спорт соҳа;
- ◆ ОАВ, Ахборот хавфсизлиги ва бошқа соҳаларда амалга оширилади.

**Ижтимоий сафарбарликнинг ҳозирги кунда қуйидаги турлари мавжуд:**

- Миллат сафарбарлиги;
- Оммавий сафарбарлик;
- Ҳарбий сафарбарлик;
- Виртуал сафарбарлик каби турларга бўлишимиз мумкин.



► **Миллат сафарбарлиги** – бир мақсад йўлида маълум бир миллат вакилларининг биргаликдаги ҳаракати. Масалан, Японияда қайси давлатга саёҳатга боришидан қатъи назар «Япон аскарлари қабри» мавжуд бўлса, саёҳатга келган япон миллати вакили бориб зиёрат қилиши шарт этиб белгиланган. Бу ўша миллат вакилига ватанпарварлик руҳини сингдиришнинг бир усули ҳисобланади.

Демак, бунда миллий руҳни шакллантириш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

► **Оммавий сафарбарлик** – дунё аҳолисининг ягона мақсад йўлида бирлашиши ва ҳамкорликда фаолият олиб бориши. Бу жараёнда тил, миллат, элат, этникод, дин ва ижтимоий мавқеи ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ягона олий мақсадда кишилар ижтимоий сафарбар этилади. Масалан, пандемия бунга яққол мисол бўла олади. Яна глобал иссиқлик, ичимлик сувини асраш, ер ресурслари камайиб бориши ва шунга ўхшаш умумбашарий муаммолар киради.

► **Ҳарбий сафарбарлик** – аксарият мамлакатларда мавжуд бўлган туғилиб ўсган ватани олдидаги масъулиятини адо этиш учун сафарбар этилишидир.

► **Виртуал сафарбарлик** – ҳозирги кунда ушбу жумла шиддат билан кириб келаётган ибора бўлиб, бу энг ҳавфли сафарбарлик турларидан бири дейиш мумкин. Чунки бунда чегаралар ва сарҳадлар мавжуд эмас. Йўл бошловчилар ҳам аниқ бўлмаслиги мумкин. Реал оламдан ташқари, виртуал оламсиз ҳаёт кечириш мушкул бўлиб қолди. Чунки инсоннинг ким эканлиги ва унинг жамиятдаги ўрнини қилган ишлари эмас, унинг *подписка* ва *лайклари* белгилаб бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Айни шундай вазиятда ўзининг кенг қамровига ёшларни жалб этган ижтимоий тармоқлар

орқали уларни турли ғояларга виртуал йўналтирувчи кимсалар ҳам кўпайиб кетди.

Маълум бир вақт, жой, қамров ҳисобга олинмаган ҳолда интернет орқали кишиларни сафарбар этиш урфга кирмоқда. Бу эса жамият аъзоларини четда қолдирмаётгани ва уларни ўз-ўзидан иштирокчига айланиб қолиши натижа яхши якун топмаётган ҳолатлар ижобийдан кўра кўпроқни ташкил этмоқда. Масалан, 2021 йил 28 март кун жума намозидан чиқиш вақтида Амир Темур хиёбонида бир гуруҳ шахслар томонидан ЛГБТ фаоллари билан зиддият келиб чиқиши бунда интернет тармоғи ЛГБТ тарафдорларини йиғилишга чорлаш ва бунда бир-бирини танимайдиган ёшлар тўпланиши ҳамда шу вақтда намоздан чиқаётган оламон ўртасида келиб чиққан зиддият ёки ҳозирги Украина ва Россия ўртасидаги муносабатларда «урушга қаршимиз» деган белги остидаги сафарбарлик чақирувларни ҳам айтишимиз мумкин.



## МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ИЖТИМОЙ САФАРБАРЛИК НАТИЖАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Бугунги кунда ушбу ғоя ўз олдига давлатнинг бош мақсади, «Янги Ўзбекистон тараққиёти» мафкурасини жамият аъзолари билан бирдек барча йўналишларда ҳаракат қилиш кераклигини асосий вазифа қилиб белгилаб олган. Чунки ҳар қандай мафкуравий жараёнлар ижтимоий сафарбарлик натижасида амалга оширилганини тажриба кўрсатиб турибди.

Буни нафақат юртимизда, балки жаҳон тажрибасини ўрганиш натижасида ҳам кўришимиз мумкин бўлади. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон пахта хом ашёсини етиштирувчи ўлкага айлантирилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Халқни бир ёқадан бош чиқариб ҳаракатга келтириш учун «Теримга барча куч бўлди сафарбар, Ўлка бўйлаб кезди ҳар кун хуш-хабар» (Б.Бойқобилов «Мени кутинг юлдузлар») Пахта теримига бизнинг заҳматкаш халқимиз руҳи билан тайёр йўналтирувчи ғоя бўлиб, унда барчани теримга сафарбар этиш ҳамда терим бўйича етакчи ўринда эканлиги тўғрисидаги ғоялар билан бойитилган.

Бугунги кунда ҳам дунё миқёсида COVID-19га қарши давлат раҳбарларидан тортиб ёшу қарини бирдек ўзини ҳимоя қилиш мақсадида «Уйда қолинг» чорлови остида кўринмас ёвга қарши ижтимоий сафарбарлик ғояларидан кенг фойдаланилгани ҳам бунга яққол ми-

сол бўла олади. Айнан пандемия давридаги юртимиздаги синовли кунларда халқ тўлиқ ягона мақсад йўлида сафарбар бўлди. Бунда миллатлар ҳам, этикодлар ҳам, ижтимоий мавқе ҳам ҳеч қандай аҳамият касб этмади. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, моддий ва маънавий жиҳатдан кўмакка муҳтож ҳамюртларимизга барча қўлидан келганича ёрдам бергани таҳсинга лойиқ.

Мана шу COVID-19 даврида миллатлар, элатлар, динлар, этикодлар, чегаралар, табақалар каби тушунчалар иккинчи даражага ўтди. Ҳамма ягона ва олий мақсад учун инсон ҳаёти ва соғлиги учун кураш йўлида бирлашди. Шу вазиятда дунё аҳолисини айнан «Ўзини яқкалаш ва уйда қолиш» каби ғояларни ОАВ орқали ва ижтимоий тармоқларда бирдек ҳаракатланишга сафарбар этилди ва бу ишлаш механизмини амалда ишлаб чиқиш, қай тарзда қўллаш билиш, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда энг асосий нуқтасини аниқлаб олиш орқали қўлланди.


Бу эса ўз навбатида яхши натижа олиб келганини кўриб турибмиз, албатта. Инсонлар кўзи билан илғамайдиган, қўли билан ушлолмайдиган танаси билан ҳис эта олмайдиган ана шу нарсалар инсониятга хос бўлган маънавиятдир. Жамиятнинг энг оғир нуқтаси ҳам натижани ҳисоботларда кўрсата олмайдиган соҳа ҳам маънавиятдир. Чунки жамият аъзоларига у турли ғоя ва мафқураларни сафарбар этиш орқали амалга оширилади. Унинг натижаси эса маълум жамиятларнинг дунёқараши, фикрлаш онги ва тафаккурида кечадиган жараёнлар билан ўз аксини топади. Мисол учун адиб Ўткир Ҳошимов «Дунёнинг ишлари» асарида шундай тасвирлайди: «Одамзод, нима учун кафтдек ҳовлисига гул экади? Ундан кўра шолғом экса, қозо-

нига тушади-ку?! Нима учун осмонда чарақлаб ётган юлдузларни кўриб, кўнгли завққа тўлади?! Ахир, юлдузлар унинг ҳамёнидаги тиллолар эмас-ку?! Одамзод, нима учун китоб ўқиётиб, суюкли қаҳрамони ўлиб қолса йиғлайди? Ахир, уни ёзувчи «ичидан тўқиб чиқаргани»ни билади-ку?! Одамзод, нима учун ўзга юртларга бориб беҳисоб мол-дунё орттирса-ю, болалиги кечган кулбаси ёдига тушиб, туни билан йиғлаб чиқади? У ахир қошона қасрда яшайди-ку?! Одам, нима учун боласининг бошида алла айтади? Ёки, гўдак алла эшитмаса ухламайдими? Одамзод, нима учун набирасини етаклаб, неча замон аввал ўтиб кетган бобосининг қабрини зиёрат қилади?! Ахир, марҳум уларни кўрмайди-ку?! Гап шундаки, одамзодни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи «МАЪНАВИЯТ» деб аталади». Гарчи сафарбарлик мафкуранинг иши бўлса-да, уни ҳаракатга келтирадиган инсоннинг қалб гавҳарида бўлган маънавиятдир.

Дарҳақиқат, инсонга қорин ташвишидан бошқа ташвиш керак бўлмаганида, у ҳаётини бошқа керакسىз нарсаларга сарфламай, фақат овқат ғамлаган бўларди. Демак, инсоннинг ҳайвонлардан фарқи унинг онги ва тафаккури, яъни маънавиятидир. Ҳар қандай давлат мавжуд экан унинг ўз-ўзидан мафкураси ва бош ғояси мавжуд бўлиб, шу давлатда яшовчи барча аҳолини давлатнинг бош мафкураси атрофида бирлаштиради ва ҳаракатланиш учун ижтимоий сафарбар этади. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ҳам мафкура масаласини тушунтирар экан, *«Биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунализ. Улар халқимизнинг неча*

**минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган»,** деб таъкидлайди ва айнан шу ғоя остида жамият аъзоларини бирлашиши, биргаликда ҳаракатланиши, яъни ижтимоий сафарбарликни ташкил этишини кўришимиз мумкин. Демак, ер юзидаги жамики элат, миллат, этникод, қатламлар, жамият ва давлат ўзи билган ва билмаган ҳолда ушбу ижтимоий сафарбарликда иштирок этади ва бу ҳодиса асрлар давомида такрорланаверади.

Ҳозирги кунда ижтимоий сафарбарлик ғояси кераклигининг сабаби, биринчи навбатда, янги соҳалар ташкил топиши меҳнат тақсимотида ҳамда жамият аъзоларининг дунёқараши ўзгариши, жамият аъзолари ўртасида моддий аҳволи жиҳатдан олдинда бўлмаса-да, илмий салоҳияти юқори бўлган жамият аъзолари етишиб чиқиши ва уларнинг ушбу жамиятда етакчи ўринларни эгаллаши орқали қатламларнинг биринчисидан иккинчисига ўтишини кўришимиз мумкин бўлади.



Бунда жамиятни ҳаракатга келтиришда жамият аъзоларини турли соҳаларда фаолият юритиши давомида ҳаракатланиши натижасида ижтимоий муносабатларга киришиши ҳамда шу муносабатлар натижасида жамият аъзоларининг ижтимоий мавқеини ўзгартириши давлат учун ҳам иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан самарадорликни юзага келтиради.

Агар шу жараёнларни амалга оширишда кишилар томонидан лоқайдлик ва бефарқликка йўл қўйилса, у яқка тартибда бўладими ёки гуруҳлар кўринишида бўладими ўша соҳада аста-секинлик билан ўсишдан орқага қайтиш яъни соҳа инкирози вужудга келиши мумкин. Масалан, ҳозирги кунда ёшлар ўртасида турли хил ҳуқуқбузарликларнинг содир бўлиши, жиноятчиликни кенг тарқалиши ҳамда оиладаги келишмовчиликларнинг барчаси ҳар қандай жамиятнинг ички ва ташқи жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир этиши сир эмас, албатта. Хўш савол: Нега ушбу ҳолатлар айнан вояга етмаган ёшлар ўртасида содир бўлмоқда? чунки ёшлиқдан оилада ота-она томонидан фарзанд тарбиясига эътиборсизлик оқибатида вужудга келаётгани бутун жаҳон олимлари томонидан ўз тасдиғини топди, десак муболаға бўлмайди.

Дунёга келган гўдакнинг то камолга етишгунича унинг юриш-туришидан тортиб, одоб-ахлоқининг гўзал бўлиши, шахс бўлиб шаклланишидаги асосий омил оила ҳисобланади. Фарзанд тарбиясига эътиборсизлик маълум бир миллатнинг таназзули – яқуни деб ҳам айтишимиз мумкин. Айнан шундай оғир оқибатларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ 4307-сон-

ли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1059-сонли қарори тасдиқланди. Тарбиявий сафарбарликни ташкил этувчи ушбу қарорга асосан концепция куйидаги босқичларда амалга оширилади.

«Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси» тўрт босқичда амалга оширилади:

- **биринчи босқич** – оилаларда (икки давр: *1 давр* – ҳомила даври, *2 давр* – бола туғилганидан 3 ёшгача бўлган давр);
- **иккинчи босқич** – мактабгача таълим 3–6 (7) ёшгача бўлган давр;
- **учинчи босқич** – умумий ўрта таълим тизимида (икки давр: *1 давр* – 7 (6)–10 ёш бошланғич синф, *2 давр* – 11–17 ёш ўрта ва юқори синфлар);
- **тўртинчи босқич** – ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасалари тизимида (икки давр: *1 давр* – ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар – 17–30 ёш, *2 давр* – ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари 15–22 (24) ёш қамраб олинади. Айнан шу концепцияни халққа татбиқ этишда соҳа вакиллари концепцияни амалиётга татбиқ этиш учун ижтимоий сафарбар этилади. Бунда давлат бошқаруви органи камчиликларни ўрганиб чиқиб, соҳани ривожлантириш учун ҳукуқий ҳуж-



жат имзолайди, молиялаштиради ва уни ижросини таъминловчи шахсларга тақдим этилади. Натижаси ёш авлоднинг билим савияси ва ватан тараққиётига қўшадиган ҳиссаси билан белгиланиши лозим. Бироқ дунёнинг ҳозирги сиёсий манзараси шуни кўрсатиб турибдики, бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кечаётган даврда ёшларни вақтини бўш қолдириш, уларнинг қалбига ва онгига бошқа ғояларнинг сингдирилиши билан тугаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бирор-бир ўқувчи ёки талаба, борингки уюшмаган ёшлар, ўзининг энг кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказди. Бу эса ўз навбатида ғоялар сафарбарлигини ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали бемалол амалга оширишга йўл очиб беради.

Ана шундай жараёнларни назорат қилиш, ҳар қандай салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида жорий қилинган «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси» жамиятнинг эртанги кунини аниқ белгилаш ва уни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган сафарбарлик режаси дейиш мумкин.



## **ИЖТИМОЙ САФАРБАРЛИК «ҲЕЧ КИМНИ ЧЕТДА ҚОЛДИРМАСЛИК» ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНАДИ**

Ижтимоий сафарбарлик – жамият аъзоларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ижтимоий мавқеи ҳамда қайси қатламга мансуб кишиларнинг қарашларидаги табиий ранг-баранглигини уйғунлаштиради ва жамият тараққиёти манфаатларига бўйсиндиришга хизмат қилади.

Ижтимоий сафарбарлик – мақсади адолатли ижтимоий сиёсат ғоясини амалга оширишда давлатнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этган илғор ғояларни жамият аъзоларига давлат билан ҳамкорликда ҳаракатга келтиришдан иборат. Жамиятда ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа ўзининг дастурий мақсадларини кишиларнинг ҳамкорлик, яъни ижтимоий бирлик ва кишиларнинг ягона мақсад йўлида сафарбар этиш орқали амалга оширади. Масалан, олиб борилаётган ислоҳотлар жамият ҳар бир аъзосини қамраб олиши бунда ҳеч бир киши ундан четда қолмаслиги ислоҳотлар жараёни иштирокчисига айланиши, яъни «сафарбар» этиш орқали амалга оширилади. Ушбу ижтимоий сафарбарликда кишиларнинг ижтимоий мавқеи, дунёқараши ва эътиқодидан қатъи назар жамиятнинг устувор мақсад ва вазифаларини акс эттирадиган ғояларни амалга оширишда ўзининг масъул эканлигини ҳис этиши, жамиятнинг бир бўлаги эканлигини англашда ёрдам беради.



## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, халқимизнинг кундалик турмушидаги майда ташвишлардан озгина узоқлашиб бўлса-да, шу яшаб турган замин учун миллат бирдам бўлиб, ягона мақсад «Ватан тараққиёти учун» ғояси остида бирга ҳаракатни амалга ошириш, уларнинг ягона мақсад йўлидаги ижтимоий сафарбарлик орқали ҳаракат қилиши лозим. Ушбу жараёнда ёшларни ҳам реал ҳаётда ва виртуал ҳаётда бирдек сафарбар этиш, уларни сиёсий бошқарув жараёнидаги иштирокини тизимли равишда йўлга қўйиш талаб этилади.

Зеро, глобаллашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучи муайян ғаразли мақсадларни кўзлар экан, миллий маънавият ва кадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига зарба бериш ва ёшларни ғарбона андозадаги қолипга солиш ва улар устидан ҳукмронлик қилишга интилаверади. Шундай глобал таъсирлар телекоммуникациялар, ижтимоий тармоқлар ёшларимизни онги ва маънавий, тарбиявий-ахлоқий қиёфасига кучли салбий таъсирини кўрсатаверади ва биз катта муаммолар қолиб, жамиятда бўлаётган кичик майший муаммоларга ўралашиб қолаверамиз. Шунинг учун ҳам жамият аъзоларини онги ва қалбига шарқона одоб, ахлоқ, тарбия, миллий кадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизни халқнинг меъдасига тегмайдиган усул ва воситалар орқали

сингдириш билан сафарбарликни кўнгилдагидек амалга оширишимиз мумкин бўлади.

Давлат раҳбари Ш.Мирзиёев «Янги Ўзбекистонни барпо этиш бу – шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир. Биз бу йўлда ислохотларимизнинг асосий ҳаракатланувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатимизни ишга соламиз. Шундагина мамлакатимиз, халқимиз орзу қилган, жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон давлатга айланади», деб таъкидлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги жамият аъзоларининг ушбу ғояга эҳтиёжи бор деб ҳисоблаймиз. Ижтимоий сафарбарлик ғояси – жамият аъзоларини ҳаётини яхшилаш, уларни биргаликда ягона мақсад сари бирлашиши ва уни жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатувчи кишилар билан бирга биз учун ягона мафкура Ўзбекистон тараққиёти ғоясини амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиши ҳам бугуннинг талаби эканлигидан далолат беради.

Жамият аъзоларига таъсир ўтказишнинг энг қулай ва самарали йўли оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардир. Улардан тўғри мақсадларда фойдаланиб, мақсадлар ва амалга ошириш керак бўлган ғояларни оддий халқга етказишда ушбу тармоқлар ролини ҳеч бир соҳа боса олмайди. Демак, жамият аъзоларини сафарбар этишда шу омиллардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Бинобарин, жамият аъзоларини турли соҳаларда ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри ва адолатли ташкил этиш ҳамда ҳар бир одам ўзини бажарадиган вазифасини сидқидилдан, ҳалол, адолатли ва масъулият билан адо этишини ижтимоий сафарбарлик ғояси орқали етказиб бера олсак, Ватан тараққиётига улкан ҳисса қўшган бўламиз!

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М. Мирзиёев. «Янги Ўзбекистон стратегияси» – Т.: «Ўзбекистон», 2022.
2. Ш.М. Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: «Ўзбекистон», 2-жилд, 2018.
3. Ш.М. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
4. Ш.М. Мирзиёев. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1059-сон қарори.
6. И.А. Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
7. Ш.Тўраев. Маънавий таҳдидлар ва уларнинг зарarli оқибатлари Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: «NISHON-NOSHIR», 2010.
8. Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев. – Тошкент, 2006–2008.
10. Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари. – Т.: «Шарқ», 2005.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев. – Тошкент, 2006–2008.
12. Б.Бойқобилов. Мени кутинг юлдузлар. – Тошкент, 1976.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
Ижтимоий сафарбарлик тушунчаси, мазмун ва моҳияти .....	6
Мафкуравий жараёнлар ижтимоий сафарбарлик натijasида амалга оширилади.....	11
Ижтимоий ҳамкорлик «Ҳеч кимни четда қолдирмаслик» тамойилига асосланади .....	18
Хулоса.....	19
Фойдаланилган адабиётлар.....	22

*Илмий-оммабон нашр*

ШАВКАТ ТЎРАЕВ, НИГОРА ХУСАНОВА

**ИЖТИМОЙ  
САФАРБАРЛИК**

*Тошкент «Маънавият» 2022*

Мухаррир *Ислом Худойқулов*  
Рассом *Шухрат Соҳибов*  
Мусаххих *Шарофат Хуррамова*  
Компьютерда тайёрловчи *Шухрат Соҳибов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 йилда берилган.  
Босишга 22.11.2022 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>.  
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли босма табағи 1,26. Нашр табағи 1,14. Буюртма № 22-97.  
Адади 1500 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.  
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 30–22.